

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ТАРМОҚЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

Махмудов Турсунпулат Давронович

Термиз давлат университети таянч докторанти

tursunpulat3070@gmail.com

Аннотация: Мақолада асосий эътибор Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларига инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишни такомиллаштириш масаласига қаратилган. Шунингдек, инвестицияларни соҳа ва тармоқлар даражасида жалб қилиш механизмларини тартибга солиш бўйича тавсиялар берилган ва вилоятни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ялпи ҳудудий маҳсулот; саноат; қишлоқ хўжалиги; хизматлар соҳаси; меҳнат; инвестиция.

**ЭКОНОМЕТРИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ,
ПРИВЛЕЧЕННЫХ В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ, НА ОТРАСЛИ**

Махмудов Турсунпулат Давронович

Базовый докторант Термезского государственного университета

tursunpulat3070@gmail.com

Аннотация: Основное внимание в статье уделяется совершенствованию оптимального регулирования привлечения инвестиций в города и районы Сурхандарьинской области. Также были даны рекомендации по регулированию механизмов привлечения инвестиций на уровне областей и отраслей, разработаны предложения по развитию региона.

Ключевые слова: валовой региональный продукт; промышленность; сельское хозяйство; сектор обслуживания; труд; инвестиции.

**ECONOMETRICS-STATISTICAL ANALYSIS OF THE IMPACT OF INVESTMENTS
ATTRACTED IN SURKHANDARYA REGION ON INDUSTRIES**

Makhmudov Tursunpulat Davronovich

Basic doctoral student at Termez State University

tursunpulat3070@gmail.com

Abstract: The main focus of the article is on improving the optimal regulation of attracting investments to the cities and districts of the Surkhandarya region. Recommendations were also given on regulating mechanisms for attracting investments at the level of regions and industries, and proposals were developed for the development of the region.

Key words: gross regional product; industry; agriculture; service sector; labor; investments.

Минтақалар иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тадқиқ қилишда энг кенг тарқалган усуллардан бири ҳудудларни статистик гуруҳлаш ҳисобланади. Жумладан, ривожланиш хусусиятларига қараб Сурхондарё вилояти ҳудудларини гуруҳларга ажратамиз ҳамда устувор жиҳатлари асосида бошқа туманларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқамиз. Бунда ҳудудларнинг тажрибаси, ривожланишидаги муҳим омил ҳамда манбаларни аниқлаш асосида бошқа минтақалар учун ҳам татбиқ қилиш имконияти мавжуд. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларни Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларига инвестицияларни жалб этишни оптимал тартибга солишни такомиллаштиришда ҳам қўллашимиз мақсадлидир. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларимизни амалга оширишда дастлаб минтақа ҳудудларини гуруҳларга тақсимлаш оралиғини аниқлаймиз. Бунинг учун Стержес формуласидан фойдаланамиз [1]. Яъни, унинг қуйидаги кўринишидаги методикасини қўллаймиз:

$$n=1+3,322*\lg N \quad (2.6)$$

бу ерда: n – минтақага тегишли кўрсаткичларни оралиқ интервалларга ажаратиш бўйича гуруҳлар сони; N – кузатишлар сони. Бунда, Сурхондарё вилояти учун 15 бўлиб, 1 та шаҳар ва 14 та туманлар мавжудлигини англатади.

Демак, юқоридаги (1) формула асосида минтақага тегишли гуруҳлар сонини аниқлаймиз.

$$n=1+3,322*\lg 15=1+3,322*1,1760914=4,907\approx 5 \quad (1)$$

Шуни таъкидлаймизки, минтақага тегишли иқтисодий-статистик таҳлилларимизда ҳудудларни тегишли кўрсаткичлар бўйича 5 та гуруҳга ажратамиз. Фақат мазкур гуруҳлаш жараёнида кўрсаткичлар қийматларига қараб оралиқ интервалларни алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қиламиз. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланамиз:

$$h = \frac{X_{max}-X_{min}}{n} \quad (2)$$

Бунда: h – минтақага тегишли кўрсаткич учун гуруҳлар орасидаги оралиқ интервал қиймати;

X_{max} – минтақа ҳудудларидаги энг катта кўрсаткич;

X_{min} – минтақа ҳудудларидаги энг кичик кўрсаткич.

Юқоридагилар асосида Сурхондарё вилоятида ишсизлик, корхоналар фаоллик даражаси, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси бўйича шаҳар ва туманларни статистик гуруҳларга ажратамиз. Улар асосида инвестицияларнинг таъсирини баҳолаймиз. Жумладан, жорий вақтда минтақа ҳудудларига жалб этилаётган инвестицияларнинг тармоқ ва ҳудудлар бўйича таъсирчанлигини аниқлаймиз. Бу эса, инвестицияларни соҳа ва тармоқлар даражасида жалб қилиш механизмларини тартибга солиш бўйича тавсиялар бериш имкониятини яратади.

Дастлаб, вилоятда ишсизликнинг шаҳар ва туманлардаги ҳолати бўйича 5 та гуруҳга ажратамиз. Бунинг учун тегишли кўрсаткичнинг 2010-2022 йиллардаги ривожланиш тенденцияларини статистик тавсифлаймиз (1-жадвал). Бунда, EXCEL дастуридан фойдаланиб, ҳисоб-китобларимизни амалга оширамиз.

$$h = \frac{10,50 - 9,267}{5} = 0,247$$

Олинган натижаларга мувофиқ вилоят ҳудудларини 5 та гуруҳга ажратамиз. Бунда, оралиқ интерваллар қиймати 0,247 га тенг. Яъни, минтақада ишсизлик даражаси 9-10 фоиз оралиғида тебранмоқда. Шундай бўлсада, шаҳар ва туманлар кесимида нотекис тебраниб бормоқда.

1-жадвал

Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларининг ишсизлик даражасига кўра статистик ва эконометрик таҳлил бўйича гуруҳланиши³⁵

Ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг статистик тавсифи		Ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг сифат мезонлари	Ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг оралиқ кўрсаткичлари		Ишсизлик даражаси оралиқлари бўйича ҳудудлар сони ва улуши		Ишсизлик даражаси оралиқлари бўйича ҳудудлар номи
			≥	<	сон и	улуш и	
Ўртача қийматлар	10,2	Аъло	9,267	9,514	1	6,7	Термиз шаҳри
Стандарт	0,07375						

³⁵ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

хатолик	1						
Медиана	10,26667	Яхши	9,514	9,761	0	0,0	-
Стандарт четланиш	0,285635						
Кўрсаткичлар дисперсияси	0,081587	Ўрта	9,761	10,008	0	0,0	-
Эксцесс	8,986916						
Асимметрилик	-2,69646	Қониқарли	10,008	10,255	6	40,0	Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизириқ, Термиз, Шеробод
Интервал	1,233333						
Кўрсаткичлар минимуми	9,266667						
Кўрсаткичлар максимуми	10,5	Қониқарсиз	10,255	10,500	8	53,3	Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Шўрчи
Кўрсаткичлар жами суммаси	153						
Кузатишлар сони	15						
Умумий тақсимот қийматлари					15	100	

Сурхондарё вилоятида шаҳар ва туманларни ишсизлик даражаси бўйича гуруҳларга ажратганимизда салбий тенденциялар аниқладик. Жумладан, ҳудудларнинг ярмидан ортиғи, яъни 8 таси ёки 53,3 фоизи қониқарсиз гуруҳ оралиғида жойлашган. Жумладан, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Шўрчи туманлари қониқарсиз оралиқ кўрсаткичи (10,255-10,500) бўйича гуруҳланди. Шунингдек, 40 фоиз ҳудуди эса қониқарли гуруҳ оралиғида (10,008-10,255) бўлиб, улар Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизириқ, Термиз, Шеробод туманларини ўз ичига олган. Биргина, Термиз шаҳри ижобий гуруҳ оралиғида ҳисобланади. Демак, ишсизлик даражаси бўйича минтақанинг умумий ҳолати, эконометрик-статистик тадқиқотларимиз асосида олинган натижалари бўйича салбий тенденцияларга эгаллигини кўрсатмоқда. Бу эса, минтақада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни, иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Албатта, мазкур чора-тадбирлар остида инвестициялар кўламини ошириш, уни

ҳудудлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида жалб қилишни оптимал тартибга солиш заруратини юзага келтиради.

Шундай бўлсада, ишсизликни камайтириш, унинг ижобий даражасини таъминлашда корхоналарнинг фаоллик даражаси асосий омил ҳисобланади. Жумладан, янги ташкил этилган корхоналар, амалда мавжудларининг барқарор фаолияти қўшимча иш ўринлари демакдир. Шу боис, вилоят шаҳар ва туманларидаги корхоналарнинг умумий сонидagi фаол бўлганлар улушини алоҳида тадқиқ қиламиз. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткичларни ҳам юқоридаги услубиёт бўйича 5 та гуруҳга ажратамиз. Дастлаб статистик гуруҳлаш учун оралиқ интервал қийматларини ҳисоб-китоб қиламиз.

$$h = \frac{92,41 - 84,83}{5} = 1,516$$

Эконометрик тадқиқотларимиз асосида олинган натижаларни ифодалашча, оралиқ интервал 1,516 фоизга тенг. Мазкур кўрсаткич асосида вилоят ҳудудларини статистик гуруҳлаганимизда катта улуш ижобий ҳолатни акс эттирмоқда. Жумладан, аъло ва яхши гуруҳлардаги туманлар минтақанинг 60 фоизини ифодаламоқда. Уларга, Бойсун, Денов, Шўрчи, Ангор, Музрабод, Сариосиё, Термиз, Шеробод туманлари ва Термиз шаҳри киради. Ўрта гуруҳ оралиғига Олтинсой ва Бандихон туманлари, қониқарли гуруҳга Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун, қониқарсиз гуруҳга Қизириқ туманлари тегишли бўлган (2-жадвал). Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, корхоналар фаоллик даражаси бўйича минтақа ижобий ўзгариш тенденцияларига эга.

2-жадвал

Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларидаги корхоналарнинг фаоллик даражасига кўра статистик ва эконометрик таҳлил бўйича гуруҳланиши³⁶

Ҳудудларда корхоналар фаоллик даражасининг статистик тавсифи	Ҳудудлардаги и корхоналар фаоллик даражасининг сифат мезонлари	Ҳудудлардаги и корхоналар фаоллик даражаси оралиқ кўрсаткичлари		Корхоналар фаоллик даражаси интерваллари и бўйича ҳудудлар сони ва улуши		Корхона фаоллик даражаси интерваллари и бўйича ҳудудлар номи	
		≥	<	сопи	улуши		
Ўртача қийматлар	89,4926	Қониқарсиз	84,831	86,347	1	6.67	Қизириқ

³⁶ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Стандарт хатолик	0,554894						
Медиана	89,90077	Қониқарли	86,347	87,863	3	20.0	Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун
Стандарт четланиш	2,149095						
Кўрсаткичлар дисперсияси	4,61861	Ўрта	87,863	89,379	2	13.33	Олтинсой, Бандихон
Эксцесс	0,042869						
Асимметриклик	-0,85157	Яхши	89,379	90,895	5	33.33	Ангор, Музработ, Сариосиё, Термиз, Шеробод
Интервал	7,580631						
Кўрсаткичлар минимуми	84,83101						
Кўрсаткичлар максимуми	92,41164	Аъло	90,895	92,411	4	26.67	Бойсун, Денов, Шўрчи, Термиз ш.
Кўрсаткичлар жами суммаси	1342,389						
Кузатишлар сони	15						
Умумий тақсимот қийматлари					15	100	

Шундай бўлсада, корхоналар фаоллик даражасини ўзи минтақа ривожланиши ва унга киритилган инвестициялар таъсирини тўлиқ баҳолаш учун етарли эмас. Бунда, корхоналар асосида яратилган маҳсулотлар ва уларнинг ўзгариши ҳамда тармоқлар бўйича тақсимланишини ҳам баҳолаймиз [2]. Бунинг учун саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизматлар соҳасида яратилган маҳсулотларнинг жами ялпи маҳсулотдаги ҳиссаси бўйича эконометрик ва статистик таҳлилни амалга ошириш зарурати туғилади.

Демак, олиб борилган тадқиқотимизга таянган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида инвестиция дастурини ишлаб чиқишда ҳудудий фаоллик даражасини ошириш учун жалб этилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимотини оптималлаштиришга, тармоқларнинг ривожлантириш йўналишида эса инвестиция меъёрини ошириш бўйича чора-тадбирларни қўллашга эътибор қаратишимиз лозим. Жумладан, биринчи йўналишда, давлат инвестициялари қўламини инфратузилмани ривожлантиришга йўналтириш, иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни

такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Иккинчи йўналишда эса, тадбиркорлик салоҳиятини оширишга, бунда аҳоли ва тижорат банклари маблағларини иқтисодиётни реал секторига йўналтиришга эътибор қаратишимиз лозим. Умумий ҳолда, биринчи йўналишда инвестицияларнинг ҳудудлар кесимида оптималлаштиришга, иккинчи йўналишда эса тармоқлар кесимида жалб этилган инвестицияларни оптимал тақсимлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дуплякин В.М. Особенности идентификации нормального закона распределения // Вестник Самарского университета. 2020, 11(3). С. 176-183. <https://klikunov-nd.livejournal.com/485677.html>.
2. Махмудов Т.Д. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари/ Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси. 2023 йил №4 (2), 158-164 бетлар.